



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

№3

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 3-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**  
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**  
и.ф.д. Ф.А.Сафаров  
PhD, доцент И.М.Пардаева  
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

**Техник муҳаррир:**  
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**  
PhD С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**  
PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти в.б., DSc

**МУНДАРИЖА:**

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Мурод Мухаммедович Мухаммедов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b> Амир Темурнинг одилона иқтисодий сиёсати – кудратли империянинг шаклланиш ва ривожлантириш омили	5
<b>Дилфуза Олимбоевна Матёкубова</b> Бизнес тузилмаларини инновацион ривожлантириш учун диверсификация стратегиясини танлаш истиқболларини баҳолаш тартиби ва усуллари	12
<b>G‘ayrat Zuvaytovich Ubaydullaev</b> Mamlakatda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish strategiyalarini amalga oshirish inson kapitali samaradorligini oshiradi	16
<b>Fotimaxon Ibragimovna Ergasheva, Madina Isoqjonovna Oxunjonova</b> Yoshlar tadbirkorligini rivojlantirish masalalari	21
<b>РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Гулнора Мардиевна Шадиева</b> Влияние инновационных процессов на экономическое развитие Республики Узбекистан: теоретические аспекты	26
<b>Omonilla Saydaminovich Umarov, Abdulxay Xasanboyevich Xodjayev</b> Iqtisodiy xavfsizlikini ta’minlashda ochiq ma’lumotlar sohasining ahamiyati	31
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Рузибой Нормухаматов, Уктам Абдуғани ўғли Абдурайимов</b> Мева-сабзавотларда бўладиган нитратлардан келадиган хавфлар ва уларнинг олдини олиш йўллари	35
<b>Гулнора Мардиевна Шадиева, Умида Равшановна Равшанова</b> Теоретические аспекты занятости в сельском хозяйстве и их влияние на развитие экономики Республики Узбекистан	38
<b>Сусанна Сейрановна Алиева</b> Солнечная энергетика в тепличном хозяйстве	44
<b>Zaxriddin Vasliddin o‘g‘li Usubjonov</b> Namangan viloyatida qurilish materiallari ishlab chiqarish sanoatining rivojlanishi	49
<b>Muxriddin Mo‘ydinjon o‘g‘li Turg‘unov</b> Oziq-ovqat sanoati korxonalarining raqobatbardoshligini boshqarish masalalari	55
<b>Абдухолик Эгамович Тангиров</b> Чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари ва уларни бошқаришдаги айрим муаммолар	58
<b>Mirodiljon Xasanboy o‘g‘li Xomidov</b> O‘zbekiston Respublikasi avtomobilsozlik korxonalarida sanoat kooperatsiyasini tashkil etish va foydalanishning iqtisodiy ahamiyati	62
<b>Xakim Toshimovich Buriyev</b> Qurilish sanoati korxonalarining raqobatbardoshligini oshirishning ilmiy asoslari	66
<b>МЕХНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ</b>	
<b>Саидахроп Саидахмедович Гуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b> Ўзбекистонда таълим самарадорлигини ошириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича айрим тавсиялар	72
<b>Обид Мамаюнусович Пардаев</b> Кўп ўлчовли камбағалликни аниқлашнинг янги индикаторлари ва уларнинг моҳияти	78

## САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Рузбой Норматомов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

Уктам Абдуғани ўғли Абдурайимов – СамИСИ ассистенти

### МЕВА-САБЗАВОТЛАРДА БЎЛАДИГАН НИТРАТЛАРДАН КЕЛАДИГАН ХАВФЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ

**Аннотация.** Мазкур мақолада мева-сабзавотларнинг таркибида нитратларнинг тўпланиш сабаблари, уларнинг инсон организми учун хавфли томонлари ва озик-овқат маҳсулотлари таркибида нитратлар миқдорини камайтириш йўллари бўйича тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** мева, сабзавот, нитрат, нитрит, нитробирикма, нитрозамин, токсин.

**Кириш.** Озик-овқат хавфсизлиги масалалари ижтимоий-иқтисодий сиёсатда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб марказий ўринлардан бирини эгаллади. Шу боис озик-овқат хавфсизлиги ва у билан боғлиқ масалаларга давлат миқёсида эътибор берилди. Бу ҳуқуқий-меъорий ҳужжатларда ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш” йўналишларининг асосий вазифалари қаторида”.... таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш” белгиланган(1).

Бугунги кунда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш глобал муаммога айланиб бораётганлигини 2023 йилнинг 7-8 сентябрида Самарқандда Озик-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференциянинг бўлиб ўтганлиги ҳам тасдиқлайди. Мазкур конференция Ўзбекистон Ҳукумати томонидан БМТнинг Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) техник кўмагида ташкил этилди. Мазкур конференцияда 30 дан ортиқ давлат, шунингдек халқаро ташкилот вакиллари қатнашди.

Конференцияда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш бўйича эришилган ютуқлар тақдим этилди, ҳамда билим ва инновацион ечимларни йўлга қўйиш учун жаҳон ҳамжамияти тажрибасига мурожаат қилинди.

Республикаимиз Президенти Ш.Мирзиёев Халқаро конференция қатнашчиларига қилган мурожатномасида қуйидаги фикрларни билдирган: “Ўзбекистон замини ўзининг қадимий ва бой деҳқончилик анъаналари, ғоят хилма-хил, мазали, ноёб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан азалдан шуҳрат қозониб келади. Аграр тармоқ иқтисодий тизимдаги етакчи секторлардан бири бўлиб, меҳнатга лаёқатли аҳолимизнинг 27 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилади. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини янада самарали ва ресурс тежайдиган соҳага айлантириш, қишлоқда аҳоли ҳаёт даражасини яхшилаш, халқимизни арзон ва барқарор нархларда хавфсиз ва витаминларга бой озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, соғлом овқатланишни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда”.

Умуман олганда, бу борада давлат даражасида қабул қилинган ҳужжатларда мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги озик-овқат маҳсулотларини халқаро сифат стандартлари асосида қайта ишлаш ҳажмларини ошириш, ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган маҳаллий озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш асосида аҳолини сифатли ва хавфсиз озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари кўзда тутилган.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Картошка, хўл мева ва сабзавотларнинг сифати ва хавфсизлик кўрсаткичларини ўрганиш бўйича бир қатор илмий-тадқиқот ишлари бажарилган. Масалан, бу борада мамлакатимизда илмий ишлар олиб борган тадқиқотчилар

қаторига академик М.Мирзаев номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти илмий ходимлари, Тошкент давлат аграр университетини профессор-ўқитувчилари, шунингдек собиқ Самарқанд кооператив институти “Озиқ-овқат товаршунослиги” кафедраси профессор-ўқитувчиларидан З.В.Коробкина, В.С.Капул, М.Х.Абдинова, С.Б.Мурадова, Р.Нормахматовлар ҳисобланади. Бу борада илмий-тадқиқот ишларини бажарган россиялик олимлар қаторига А.А.Колесник, М.А.Николаева, М.Н.Журавлева, Л.Г.Елизарова, В.Г.Сперанский ва бошқаларни киритиш мумкин.

**Тадқиқот методологияси.** Мавзу юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда қиёсий таҳлил, иқтисодий-статистик таҳлил, тизимли ёндашув каби тадқиқот усуллардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Маълумки, ҳўл мева ва сабзавотлар, шунингдек уларни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотлар таркибида инсон ҳаёти учун энг муҳим моддалар бўлганлиги учун бошқа маҳсулотлар ўрнини боса олмайдиган озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади.

Мева ва сабзавот маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга “Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ҳақида”ги Техник регламентлар ва СанҚ ва М 0366-19 “Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигига гигиеник нормативлари” (2) ҳисобланади.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг хавфсизлик кўрсаткичларига кимёвий, радиоцион, биологик ва паразитар хавфсизликлар киради. Мева ва сабзавот маҳсулотларининг ҳамма турлари учун токсик элементлар, пестицидлар ва нитратлар миқдори умумий кўрсаткичлар ҳисобланади.

Кўпчилик ҳолатларда ҳўл мева ва сабзавотларни хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича баҳолаганда уларнинг таркибида бўладиган нитратларнинг миқдорига алоҳида эътибор қаратилади.

Қуйидаги 1-жадвалда Ўзбекистон Республикасида етиштириладиган ҳўл мевалар ва сабзавотларнинг нитратлар миқдори бўйича хавфсизлик кўрсаткичларига талаблар келтирилган.

**1-жадвал**

**Ҳўл мева ва сабзавотлар таркибида нитратларнинг максимал рухсат этилган миқдори (СанҚ ва М Ўз Р №0366-19 бўйича)**

Т/р	Сабзавотлар ва мевалар	Максимал рухсат этилган миқдори, мг/кг
1.	<b>Сабзавотлар:</b>	
	Оқ бошли карам	300
	Сабзи	200
	Помидор	50
	Бодринг	120
	Ошхонабоп лавлаги	1000
	Бош пиёз	80
	Барра пиёз (кўк)	400
	Ширин қалампир	200
	Аччиқ қалампир	300
	Шолғом	500
	Редиска	600
	Бақлажон	100
	Саримсоқ	100
	Рангли карам	100
Картошка	100	
2.	<b>Мевалар:</b>	

Ошхонабоп узум навлари	50
Олма, нок, беҳи, ўрик, шафтоли, олхўри	50
Олча, гилос	80
Анжир, хурмо	60
Цитрус мевалар (лимон, мандарин, апельсин)	100
Қовун	60
Тарвуз	45
Резавор мевалар (кулупнай, малина, смородина)	100
Қуритилган мевалар	250

Юқоридаги жадвалда келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, ҳўл мева ва сабзавотларнинг турига қараб йўл қўйилиши мумкин бўлган нитратлар миқдори маълум даражада бир-биридан фарқ қилар экан.

Энди эса нитратларнинг озик-овқат маҳсулотлари таркибида рухсат этилиши мумкин бўлган миқдоридан ортиқ бўлиши қандай хавфларни келтириши мумкинлиги бўйича маълумотларни келтирамиз. Аввало шуни айтиш лозимки, озроқ миқдорда нитратлар инсон организмда, шунингдек ўсимликларда ҳам бўлади. Бундай миқдор инсон организмга зарар келтирмайди. Лекин, нитратларнинг юқори концентрацияси инсон организмга токсик таъсир кўрсатади.

Агар нитратларнинг бир марталик 200-300 мг дозаси ўткир интоксикацияни келтириб чиқарса, 1-4 грами эса кучли заҳарланишни, 8-12 г дозаси эса инсоннинг ҳаётдан кўз юмишини келтириб чиқариши мумкин.

Илмий-тадқиқот ишлари натижасида нитратларнинг ортиқча миқдори қон гемоглобинининг метгемоглобинга айланишига сабаб бўлади. Қон таркибида 20 фоиз ва ундай ортиқ миқдорда метгемоглобиннинг тўпланиши ҳаёт учун хавф туғдиради, яъни кислород етишмовчилиги рўй беради. Инсон организмда нитратларнинг юқори миқдорда бўлиши ошқозон саратонини келтириб чиқариши, шунингдек асаб ва юрак-қон томири тизимларига ҳам салбий таъсир кўрсатиши аниқланган.

Энди эса мева ва сабзавот маҳсулотлари таркибида нитратларнинг тўпланишининг асосий сабабларига тўхталамиз. Бу сабаблар хилма-хил бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

1) сабзавот экинларининг ҳосилдорлигини ошириш учун агрохимёвий технологияларнинг бузилиши, яъни азотли ўғитлардан керагидан ортиқча даражада фойдаланиши;

2) баъзи гербицидлардан, масалан, 2, 4-дихлорфенол-сирка кистотасидан фойдаланиши ва тупроқда молибденнинг етишмаслиги. Булар ўсимликларда модда алмашинувини бузади, бу эса нитратларнинг тўпланишини келтириб чиқаради;

3) тупроқда озукавий моддалар миқдорининг ҳар хиллиги ва бошқалар.

Шунингдек, сабзавот турларининг ўзига хослиги ҳам улар таркибида нитратларнинг тўпланишини келтириб чиқаради. Масалан, шолғом, лавлаги, редиска, шивит каби сабзавотлар нитратларни тўплашга мойил бўлган сабзавотлар ҳисобланади.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқорида келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, мева ва сабзавотлар таркибида нитратларнинг инсон организми учун рухсат этилган миқдоридан кўп бўлиши зарарли ҳисобланади.

Шу сабали истеъмол қилаётган мева ва сабзавотлар таркибида нитратларни камайиши учун қуйидаги тавсияларни берамиз:

1) сабзавотларни етиштиришда нитратларни кам даражада тўплайдиган хўжалик ботаник навларига устуворлик берилиши керак;

2) тупроқдаги азот миқдорини ва унинг баъзи бир микроэлементлар билан нисбатини доимий равишда назорат қилиш талаб этилади;

3) тупроқни азотли ўғитлар билан озиклантиришда унинг минимал миқдорини қўл-

лаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

4) мева ва сабзавотларни истеъмол қилишдан олдин тоза сувда обдон ювиш (тоза сувда ювганда нитратлар миқдори 10-20 фоизга, қайнатганда эса 80 фоизгача камаяди).

Умуман олганда, ҳар бир истеъмолчи ўз истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатига ва хавфсизлигига бефарқ бўлмасдан, бу борада ўз билимларини ошириб бориши, мустаҳкам соғлиққа эга бўлишининг муҳим кафолатидир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича Харакатлар стратегияси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 15 декабрдаги ПҚ-52 сонли қарори.

3. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигининг гигиеник нормативлари. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бош санитария врачининг 25.05.2019 йилдаги №0366-19 сонли буйруғи.

<p><b>Р.Нормахматов, У.Абдурайимов</b>  <b>Опасность нитратов во фруктах и овощах и способы их предотвращения</b></p>	<p><b>R.Normakhmatov, U.Abdurayimov</b>  <b>Dangers of nitrates in fruits and vegetables and ways to avoid them</b></p>
<p><b>Аннотация.</b> В данной статье представлена информация о причинах накопления нитратов во фруктах и овощах, их опасных аспектах для организма человека, а также способах снижения количества нитратов в пищевых продуктах.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> фрукты, овощи, нитраты, нитриты, нитросоединения, нитрозамины, токсины.</p>	<p><b>Abstract.</b> This article provides information on the causes of accumulation of nitrates in fruits and vegetables, their dangerous aspects for the human body, and ways to reduce the amount of nitrates in food products.</p> <p><b>Keywords:</b> fruit, vegetable, nitrate, nitrite, nitro compound, nitrosamine, toxin.</p>

**Гулнора Мардиевна Шадиева** – профессор кафедры «Реальная экономика» Самаркандского института экономики и сервиса

**Умида Равшановна Равшанова** – магистрант Самаркандского института экономики и сервиса

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЗАНЯТОСТИ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА РАЗВИТИЕ ЭКОНОМИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

<p><b>Аннотация.</b> В этой статье рассматриваются теоретические аспекты занятости в сельском хозяйстве и их влияние на развитие экономики Республики Узбекистан. В ней проведён анализ развития сельского хозяйства, как ведущей отрасли национальной экономики страны, факторы, влияющие на занятость в этом секторе, и методы стимулирования роста занятости в сельском хозяйстве. Проведён глубокий анализ факторов, влияющих на занятость в сельском хозяйстве для экономики Узбекистана.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> занятость, сельское хозяйство, экономическое развитие, Республика Узбекистан, теоретические аспекты, рынок труда, сельская местность, трудовые ресурсы.</p>
--

**Введение.** Президент Республики Узбекистан, Шавкат Мирзиёев, уделяет особое внимание способам содействия занятости населения и созданию условий для работы. В стране принята Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, в которой определена цель создания новых рабочих мест и увеличения доходов населения для сокращения бедности не менее чем в два раза к концу 2026 года. Это непосредственно связано с активизацией на рынке труда и обеспечением занятости. На видеоселекторном совещании, посвященном макроэкономической стабильности и поддержке бизнеса, которое состоялось 31 марта 2022 года, Президент подчеркнул, что «этот вопрос

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

12.09.2024 йилда теришга берилди. 27.09.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0110А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.